

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

*Кучмуродов Диёрбек Номозбой ўғли
ИИВ Академияси 312-гуруҳ курсанти*

Аннотация: Ушбу мақола зўравонликдан жабрланишини олдини олиш ва уларга ижтимоий, ҳуқуқий, руҳий, тиббий ёрдам кўрсатишнинг тартиби, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва унинг самарали профилактикаси бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, профилактика инспекторларининг ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш фаолиятинини ташкил этишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, нотинч оилалар, зўравонликдан жабрланган аёллар, оилавий-маиший зўрлик, салбий иллатларнинг, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, мойил хулқ-атворни эрта бартараф, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш.

Мамлакатимизда фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка доир ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, шахсга ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун самарали механизмлар яратилган, умуман жамият манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган суд-ҳуқуқ тизими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жамиятнинг пойдевори сифатида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асосларини кучайтириш, унинг хавфсизлигини ва уйғунлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига шакл-шубҳасиз риоя қилиш, маънавий-ахлоқий асосларни ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди. Республика оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан жисмоний, ахлоқий ёки мулкӣ зарар етказиш натижасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар туфайли жабр кўрган шахсларга қўмаклашиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича инфратузилмани яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли

ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси” каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади. Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккиздан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда” деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ички ишлар органлари ходимлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Зўравонликдан жабрланган аёлнинг профилактика инспектори давлат ҳимоясини таъминлай беришига бўлган ишончига келгуси ҳаракатлари шахсларни зўравонликдан жабрланишини олдини олиш ва уларга ижтимоий, ҳуқуқий, руҳий, тиббий ёрдам кўрсатишнинг тартиби, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш

ва унинг самарали профилактикаси бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади. Шу сабабли, Президентимизнинг 2018 йил 2 июлда «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Эътиборли жиҳати, қарор билан зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ҳам ташкил этилиди. Ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, соҳа мутахассислари (психолог, тиббиёт ходими, ҳуқуқшунос ва бошқалар)дан ёрдам олиш, ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкил этиш ва таъминлаш, тегишли тартибда кийим-кечак, озик-овқат ва тураржой учун бир марталик тўланадиган нафақа пули бериш орқали уларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш орқали ёрдам курсатиш белгиланди.

Шулардан келиб чиқиб, профилактика инспекторларининг фаолиятинини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган шахсларга аноним тарзда шошилиш тиббий, руҳий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

- ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган ёки ўз жонига қасд қилган шахслар билан бирламчи ва изчил профилактика тадбирларини ўтказиш;

- низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этиш мақсадида давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича ҳудудий давлат ва нодавлат муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда, уларнинг моддий-техник ва услубий базасини мустаҳкамлашда, мазкур муассасаларнинг кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, муҳтож шахсларга, шу жумладан “ишонч телефони” орқали маслаҳат бериш тизимини яратиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш;

- долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган

сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, ахбороттаҳлилий материалларни, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида тарқатиш орқали ушбу соҳадаги муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг хабардор этилишини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ходимлари учун низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этиш масалаларига бағишланган амалиётлар, семинар ва тренинглар ўтказиш;

- муайян яшаш жойига эга бўлмаган ва маиший зўрлик ишлатиш тушунчасини таърифлаш, зўрлик ишлатиладиган ҳолат турларини ажратиб кўрсатиш;

- ваколатли органларнинг вазифалари ва функционал мажбуриятларини белгилаш;

- маиший зўрлик ишлатишнинг эрта олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-моддаси билан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонунчиликда белгиланган тартибда Ички ишлар органларига юклатилган. Профилактика инспекторининг жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этган, судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фаолиятини ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга, қолаверса, мазкур фаолиятни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундан ташқари профилактика инспекторининг жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этган, судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фаолияти бугунги кунда қай даражада ташкил этилганлиги, жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этган, судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш тартиби, ушбу фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда айрим учрайдиган камчилик ва муаммоларни ечиш илмий асосланган ҳолда очиб беришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2023
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. Т., 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3827-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 07/18/3827/1445-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чоратадбирлар тўғрисида”ги 543-сон Қарори, 2018 йил 17 июль
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 6., 70-модда. 6 Сўз боши